

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 19-dekabr • Seshanba • 149 (27.640) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

«ЎздЭУавто» учун бутловчи қисмлар етказиб беришни ҳамкорлар йилдан-йилга кўпаймоқда. 2005 йилда маҳаллий ҳамкорлар 52 та бўлиб, улар томонидан етказиб берилган маҳсулотлар 107 миллион 300 минг АҚШ доллари билан, шу йилнинг ўтган ўн бир ойида ҳамкорлар сони 75 тага етиб, маҳсулот етказиб бериш 113 миллион 200 минг АҚШ доллари миқдорига ортди. Айниқса, Қўқондаги «Электромаш» масъулияти чекланган жамияти, Асака шаҳридаги «Меридиан» кичик корхонаси, Тошкентдаги «Чернов ластъ», «Гефест», «Мусабоев» каби маҳаллий корхона ва фирмаларнинг фаолияти ибратли бўлмоқда.

Яқинда компанияда «Ўзбекистон Республикаси автомобил-созлик саноатида менежмент тизимлари ривожини» мавзусида биринчи халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда Швейцария, Россия, Украина, Қозғоғистон ва Қирғизистон каби давлатлар корхоналари раҳбарлари, етказчи мутахассислари иштирок этдилар. Меҳмонлар дастлаб «ЎздЭУавто» фаолияти билан яқиндан танишиб, «Нексия», «Дамас», «Матиз», «Ласетти» автомобиллари қисмларини йиғиш жараёнини кузатдилар. Сўнг замонвий мажлис залда ўтган нуфузли йиғилишда уч йўналиш бўйича халқаро сертификатларга сазовор бўлган «ЎздЭУавто» жамоасига «SGS Vostog» минтақавий раҳбари К.М.Тимошечкин «ISO 9001:2000», «ISO 14001:2004», «CHSAS 18001:1999» халқаро стандартларининг мувофиқлик сертификатларини топширди.

— Автомобилсозлик ривожини менежмент тизимининг аҳамияти беқиёс, — дейди «ЎздЭУавто» менежери Абдувоҳид Мамажонов. — Мазкур тизим маҳсулот ишлаб чиқаришига эмас, бошқарувда сифат салоҳиятини ҳам таъминлайди. Тизимнинг сифат, экология, техника хавфсизлиги ва саломатлик бўйича халқаро менежментлик стандартларига мувофиқлиги сертификатларига эришганлигимиз — компания-мизда бу тизим тобора юксалтиридан далолат беради.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири



## «ЎздЭУавто»: СИФАТГА КАФОЛАТ

Андижонлик автомобилсозлар сифатли маҳсулотлар тайёрлаш ва уларни техник такомиллаштириш йўлида изчил изланишлар олиб боришяпти. Муддао — жорий йил охиригача 140 мингта автомобиль ишлаб чиқаришга эришиш.



Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар

Суратларда: «Нексия» линияси ишчиси Ойбек Ҳошимов; «ЎздЭУавто» ижрочи директори Исроилжон Аҳмаджонов; конвейердан чиққан янги «Нексия».

## ● Муносабат

# НИҲОЯТДА МУҲИМ ИШИМИЗ — ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

У МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗ НЕГИЗИДАГИ МАШҲУР БЕШ ТАМОЙИЛНИНГ БИРИ, ЯЪНИ КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ЎЗГИНАСИ

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бунга яна бир бор алоҳида урғу бериб, **Ўзбек модели** деган ном билан дунёда тан олинган мустақил тараққиёт йўлимизнинг негиздаги беш тамойилдан бири бири кучли ижтимоий сиёсат эканини яна бир бор таъкидлади.

1992 йил 2 ва 3 июль кунлари бўлиб ўтган XII қаҳриқў Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида Юртбошимиз айтган сўзларини эслайлик:

«...Биз ижтимоий тараққиёт ва янгиликни борасида ўз йўлимиз бор, деб эълон қилдик.

Бу йўлнинг мазмуни ва моҳияти нималардан иборат?

«...Бизлар тўйда ҳам, азда ҳам ёнма-ён туриб, оддий кунларда ҳам бир-бирининг ҳолидан хабар олиб, катталик ҳурматини, кичиклик иззатини жой-жойига қўйиб, бева-бечораларнинг, етим-есирларнинг бошини силаб, хуллас, одамгарчиликни барча нарсадан устун қўйиб яшаган инсонларнинг фарзандлари бўламиз...»

Бугун бу сўзларни эслашимиздан мақсад, айнан **кучли ижтимоий сиёсат** тамойилининг пойдевори — ҳаётда мустақилликнинг илк кезларидан қўйилганига ишора.

Яна эсланг, орадан олти

ойча ўтиб, аниқроғи, 1992 йилнинг 8-10 декабрь кунлари бўлиб ўтган XI сессияда Президентимиз тақрор дедилар: «...НИҲОЯТДА МУҲИМ ИШИМИЗ — аҳолининг **ИЖТИМОЙ ИЧКИ ТАҚВИЯСИ**ни таъминлаш ва шундай бўлиб қолади...»

Шундай бўлиб қолди ҳам. 1997 йилдан бошлаб мамлакатимизда йилларнинг номланишига ҳам эътибор беринг: «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили», «Қарияларни қадрлаш йили», «Обод маҳалла йили», «Меҳр ва мурувват йили», «Сихат-саломатлик йили», «Ҳомийлар ва шифокорлар йили», «Ижтимоий ҳимоя йили» — барчасини битта ришта, битта мезон — инсон ва унинг ҳаёти, орзу-ниятлари, дарду ташвишлари боғлаб, бирлаштириб турибди. Барчаси маъно-мазмунига кўра, мантиқан бир-бирини тўлдириб, аҳолининг **ижтимоий ҳимояси** Ўзбекистонда **ниҳоятда муҳим иш** бўлиб келаётганидан шаҳодат бермоқда.

Зеро, мустақиллик йиллари республикамизда ўзига хос демографик вазият ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлимизнинг танаб олиш зарурлигини таъкидлаётди. Бунга — республикамизда турғилиш даражаси ва аҳолининг табиий ўсиши юқори бўлган мамлакатлар қаторида туриши, хусусан, сўнгги йиллар-

да аҳоли ўрта ҳисобда йилига 3-3,5 фоиздан кўпайиб бораётгани ҳам сабаб, албатта. Бу эса, иқтисодий ўсишимиз суръатларига, иш билан бандлик муаммоларини ҳал қилишга шубҳасиз, алоҳида талаблар қўймоқда. Айни шунинг учун ҳам аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда **кучли ижтимоий сиёсатни** ўтказиш — Ўзбекистон давлат қурилиши ва иқтисодий ўсишда илҳом қилиш дастурийнинг ўзига бўлган **беш асосий қонданин**г бири қилиб белгиланди.

Биринчи галда, илк кезлардан, ижтимоий ҳимоя воситасини такомиллаштириш, уни ўзгартиб бораётган шароитларга мослаштириш лозим бўлди ва кун тартибига — аҳолининг турмуш даражасини турли иқтисодий, ижтимоий ларзалалар таъсиридан кафолатли ҳимоялаш масаласи қўйилди. Уларни ҳуқуқий (юридик) жиҳатдан мустақамловчи аниқ-равшан қонунлар, янги меъёрий (норматив) ҳужжатлар қабул қилинди. Чунончи, нафақа билан таъминлаш, талабаларга, кўп болали ва кам таъминотли оилаларга ҳақ тўлаш тизимини уларнинг турмуш даражаси — бюджет воситаси ва давлат кафолатлари орқали ҳам, турли хайрия жамғармалари, корхоналар, ташкилотлар ва ҳўжаликларнинг жамғармалари орқали ҳам сақлаб турилиши, уларга мадад берилиши йил сайин мустақамлаб борилди.

2-бет

## ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб ХДП фракциясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Депутатлар 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинган муносабати билан ишлаб чиқилган давлат дастурига, ижтимоий ҳимоя тизими самардорлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига ёрдам кўрсатишда табақалашган ҳолда ёндашувни кучайтириш мақсадида тайёрланадиган янги қонун ҳужжатлари рўйхатиغا партия электорати манфаатларидан келиб чиқиб, фракциянинг таклифларини билдирдилар.

Янги тахрирда киритилаётган «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан муҳокама этилди. Ушбу ҳужжатни ишлаб чиқилган мақсад давлатнинг сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий, ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги фаолиятига қўмақлашувчи зарур ҳуқуқий асосни шакллантиришдир.

Фракция аъзолари иккинчи ўқийда киритилаётган «Журналистнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Аҳборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларини муҳокама қилдилар.

Фракция йиғилишида Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқийда киритилаётган «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой-номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Амалдаги ушбу Қонун жаҳондаги етакчи мамлакатларнинг қонунчилик нормаларига мос келади. Аммо,

товар белгилари соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш заруряти мавжуд.

Депутатлар биринчи ўқийда киритилаётган «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Йиғилишда биринчи ўқийда киритилаётган «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ўрганиб чиқилди. Лойиҳада автомобиль тартиб-ҳисоб соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари ҳамда тамойиллари белгиланган.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланаётган Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонун лойиҳаси киритди. Қўйи палатада биринчи ўқийда муҳокамага киритилиши мўлжалланаётган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ушбу қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан муҳокама этилди. Лойиҳада Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят иқроия кодекслари ҳамда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг айрим моддаларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш назарда тутилган.

Шунингдек, «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқийда кўриб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳаси юзасидан биринчи ўқийда Ўзбекистон ХДП фракцияси билдирган принципиал фикрлар яна бир бор муҳокама этилди.

Йиғилишда кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан фракциянинг нуктаи назари белгиланган.

(Ўз мухбиримиз)

**БУГУНГИ СОНДА**

**ЙЎЛНИНГ ДАВОМИ ҲАМ — ЙЎЛ**

«Қаерда бошланғич ташкилот яхши ишласа, ўша ерда тарафдорларимиз кўп бўлади».

2-бет

**СОҒЛОМ АВЛОД — ЮРТ ТАЯНЧИ**

«Бокс залида ринг мавжуд эмас, тўшалган линолиум қопламалари яроқсиз аҳволда. Ўқувчилар учун спорт жиҳозлари етишмайди, «Таэквандо» залида эса «татами» ўрнига оддий палос тўшалган».

3-бет

**ДОҲАДАГИ «САРГУЗАШТЛАР»**

«Аламли томони, улар бизнинг эътирозларимизни, фикрларимизни мулқоқ инобатга олишмади. Биласизми, футболчиларимизнинг кейинги ўйинларда муваффақият қозонишига кўпчилик ишонган эди. Бироқ, бош ҳакам ҳамда ироқликларнинг «актёрлик» маҳоратлари умидимизни пучга чиқарди».

4-бет

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Парламентнинг юқори палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилаётган ислохотларнинг асосий мақсади инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда уларнинг таъминлашдан иборат эканлиги кўрсатиб ўтилди. Бунда аввало асосий ҳимоя таъкиддан ҳимоялаш ҳуқуқини ва суднинг суриштирувни адолатли олиб боришига бўлган ҳуқуқни таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида судларнинг жинсий ишлар ва фуқаролик ишлари бўйича иқтисодлашувчи мустақамлаб қўйилди, иш қўришнинг апелляция тартиби жорий этилди, суд жараёнида ҳимоя ва айблов томонларининг ҳуқуқлари тенглигини таъминлайдиган ҳуқуқий механизмлар яратилди, шунингдек дастлабки суриштирув муддатлари ва айбланувчиларни қамоққа сақлаш муддатлари қисқартирилди. Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислохот қилиш чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони билан белгилаб қўйилди. Мазкур масалаларни муҳокама қилиш давра суҳбатининг асосий мақсади бўлди.

Давра суҳбатини ўтказиш жараёнида суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштиришнинг энг муҳим вазифаси судга ўтказилган суднинг суриштирув босқичида суднинг фуқаролар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатларини, шу жумладан қамоққа олишга санкция бериш ваколатларини кенгайтиришдан иборат эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш чоғида давра суҳбати иштирокчилари қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратура органларидан судларга ўтказиш билан боғлиқ масалаларни изчил ва чуқур ишлаб чиқиб зарурлигига эътиборни қаратдилар.

Муҳокама давомида давра суҳбати иштирокчилари чет эл таърибасини ўрганиш, судлар томонидан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи амалга оширилишининг ташкилий-ҳуқуқий ва процессуал механизмларини ишлаб чиқиш, шунингдек судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини тегишлича қайта тайёрлаш масалалари юзасидан фикр алмашдилар ва бир қатор таклифлар билдирдилар.

Давра суҳбати ишида сенаторлар, Қонунчилик палатасининг депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Олий суд, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Тошкент давлат юридик институти, Ўзбекистон адвокатлар ассоциацияси вакиллари, шунингдек бошқа манфаатдор ташкилот ва оммавий аҳборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати**

### Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 19 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни яритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хоржий валюталарнинг сўма ниҳбатан қуйидаги қийматини белгилади:

|                                 |                            |                              |
|---------------------------------|----------------------------|------------------------------|
| 1 Австралия доллари 968,32      | 1 Малайзия рингити 348,92  | 1 ЕВРО 1622,67               |
| 1 Англия фунт стерлинги 2421,92 | 1 Польша злотийси 428,44   | 10 Жанубий Корея вонни 13,44 |
| 1 Дания кронаси 217,80          | 1 СДР 1861,63              | 10 Япония ненаси 104,99      |
| 1 БАА дирхами 337,50            | 1 Туркия лираси 869,24     | 1 Россия рубли 47,08         |
| 1 АҚШ доллари 1239,53           | 1 Швейцария франки 1015,92 | 1 Украина гривнаси 245,45    |
| 1 Инср фунти 217,06             |                            |                              |
| 1 Испания кронаси 18,06         |                            |                              |
| 1 Канада доллари 1071,15        |                            |                              |
| 1 Хитой юани 158,43             |                            |                              |

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олманган.

O'zbekiston havo yo'llari

**TOSHKENT**

XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

**O'ZSANOATQURILISHBANK**

SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!

Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26

www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz

Хизматлар лицензияланган

**TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI**

MULKDORGA HANMOKI!

Tel.: 132-25-51, 133-46-61, факс: 133-20-74

WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари

Сизнинг муваффақиятингиз учун!

**ПАХТА БАНК** — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР

Хизматлар лицензияланган

● Муносабат

# НИХОЯТДА МУҲИМ ИШИМИЗ — ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

## У МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗ НЕГИЗИДАГИ МАШҲУР БЕШ ТАМОЙИЛНИНГ БИРИ, ЯЪНИ КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ЎЗГИНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, санъат сингари ижтимоий соҳаларда, шунингдек, илм-фандда ишлаётган кишилар меҳнатини муносиб баҳолаш, уларни ижтимоий жиҳатдан пухта ҳимоя қилиши ва моддий-маънавий имкониятларини намойён этиш учун энг зарур шарт-шароитларни вужудга келтиришга изчил аҳамият берилди. Шахсан давлатимиз раҳбари нуфузли минбарларда «...бу соҳалар ҳисобидан маблағларни тежай олмаймиз!» деб барчани доим ҳушёр тортириб турди.

Бу гал ҳам 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши муносабати билан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган тадбирлар комплекси ижросини таъминлаш, жамиятда эзгулик, меҳр-муруват, ҳам-жиҳатлик, тинчлик ва оқилоллик муҳитини мустаҳкамлаш мақсадида Президентимиз томонидан «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» фармойиш берилди.

Маъzur фармойиш асосида ҳали ишлаб чиқилмаган давлат Дастури Концепциясида

айнан кучли ижтимоий сиёсатимизнинг бош йўналиши ва бош соҳаси — аҳолининг ҳар томонлама ижтимоий муҳофазаси унинг аниқ бўлиши ва бандлигида муфассал ифода этилиши, шаксиз.

Яқинда тасдиқдан ўтган 2007 йил давлат бюджетидан ҳам социал соҳа ва аҳолини қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажат 54,1 фоиз бўлиши кўтилаётгани ҳам фикрларимиз далилидир. Ҳолбуки, бу кўрсаткич ўтаётган йилимиз учун 51 фоиз белгиланган эди. Янги иш жойлари яратиш, аҳолини мақсадли қўллаб-қувватлаш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантириш каби йўналишларга ажратилган давлат харажатлари улуғи ҳам ҳар қачонгидан ортади. Айни пайтда кам таъминланган, ёш болали оилаларга бериладиган ижтимоий нафақаларнинг харажат миқдори ҳам 2007 йил давлат бюджетидан 7 фоиз бўлиши мўлжалга олинган.

Шунингдек, Президентимизнинг яқиндагина оммавий-ахборот воситаларида чоп этилган «2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги

қарори ҳам мамлакатимизда ижтимоий-муҳофаза сиёсатига — таъбир жоиз бўлса, халқимизни давлат ва ҳокимият идоралари билан кўприк каби боғлаб турган мазкур ноёб тизимга бўлган ҳукуматимиз эътибори — унинг ниҳоятда муҳим иш эканлигидан дарак беради.

Мухтасар айтганда, Президентимиз фармойишидаги «Соғлом она — соғлом бола» деган шior остида бошланган саъй-ҳаракатлар, «Сен ёлғиз эмассан» шiorининг ҳаётга жорий этилиши, «Меҳрибонлик уйлари» ва махсус мактаб-интернатларнинг ижтимоий аҳоли ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, «Меҳрибонлик», «Саховат», «Муруват» уйлари хизматчиларининг меҳнатини тўғри баҳолаш ва уларни рағбатлантириб бориш бўйича қилинаётган ишлар — ҳаммаси ҳаётимизни ўзаро қадр-қиммат, меҳр-оқибат туйғулари билан чулғашга, турмушимизни янада обод ва фаровон этишга йўғрилган.

Демакки, ижтимоий ҳимоя — мамлакатимизда мустақиллик йиллари ибтидоридан бошлаб, ниҳоятда муҳим ишми бўлиб келмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверадди.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

Булғур туманидаги 110 ўринга мўлжалланган туғурук мажмуи биноси «2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан тўлиқ қайта таъмирдан чиқарилди.

102 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилган мажмуага муддатидан олдин туғилган чақалоқларни сақлаб туришга мўлжалланган замонавий КВС, уч каналли ЭКГ аппаратлари, акушер гинекология хонаси учун тиббий жиҳозлар жамланма-лари ўрнатилди.

— 36 минг нафардан зиёд туғиш ёшидаги аёллар истикомат қиладиган бизнинг туманимизда ягона туғурукхона ҳисобланувчи бу мажмуада она ва бола саломатлигини муҳофазалаш учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди туман марказий шифохонаси бош вақо Раббийқул Турсунқулов.

Шухрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: бош шифокор Рўзиқул Турсунқулов; туғурук мажмуи бўлим мудири Исокул Умаров шифокор ва ҳамширалар билан КВС тиббий ускунасида сақланаётган чақалоқнинг саломатлигини назоратдан ўтказмоқда. Хусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар.

● 2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»

# СОҒЛОМ АВЛОД — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК



# ОЛИМАЛАР АНЖУМАНИ

Бугун шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, республикаимиздаги олий ўқув юртиларида илмий изланишлар олиб бораётган ёш филологларнинг 70,8 фоизини, психологларнинг 81,0 фоизини, педагогларнинг 60,7 фоизини, фармацевтларнинг 65,2 фоизини, тиббиётчиларнинг 59,1 фоизини, биологларнинг 56,9 фоизини, файласуфларнинг 50,0 фоизини, тарихчиларнинг 35,5 фоизини, архитекторларнинг 53,3 фоизини, иқтисодчиларнинг 34,7 фоизини, сиёсатшуносларнинг 50,0 фоизини, ҳуқуқшуносларнинг 27,7 фоизини, техника йўналишида 26,7

физини аёллар ташкил этади. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда «Олима аёлларнинг фан-техника тараққийотида тугган ўрни» мавзусида Тошкент давлат техника университети қошидаги академик лицейда илмий-амалий анжуман ташкил этди. Анжуманга 900 дан зиёд турли мазрӯзалар тақдим этилган бўлиб, шулардан 763 таси ёш олималарнинг илмий изланишларидир.

Тадбирда сўзга чиққан Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси Светлана Имомова ўз маърузасида: — Миллатларнинг боқийлиги, шажараларимизнинг соғлом, баркамоллиги, генфондимизнинг софлиги кўп жиҳатдан аёлларимизнинг соғлиғи, саломатлигига боғлиқ. Шу боисдан ҳам хотин-қизларимизнинг жамиятдаги нуфузини кўтариш, оиладаги маърифати мустаҳкамлаш, уларни ижтимоий муҳофазалаш ва албатта,

уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш учун бор имкониятларни яратиш бизнинг бош вазифамиздир. Зеро, бугунги таъбир шунчаки йилги эмас, балки биз ана шундай масъулиятли вазифини амалга ошириш борасидаги муаммоларини ҳал этиш, йўл-йўриқларини излаш, тақлиф ва мулоҳазаларни мушоҳада қилиш учун тўғрилик, — дея таъкидлади.

Икки кун давом этган анжуманда иштирокчилар ижтимоий гума-

нитар, техника, энергетика, иқтисодий ва бошқарув, қишлоқ ҳўжалиги, экспериментал физика, биотиббиди, архитектура ва қурилиш ҳамда бошқа йўналишлар бўйича 6 гуруҳга бўлиниб, маърузалар тингладилар. Муҳим жиҳати, ҳар бир маъруза қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Анжуман доирасида олима аёлларнинг илмий изланишлари намуналаридан иборат бўлган олти томлик илмий ишлар тўплами нашрдан чиқарилди.

**Ҳанифа ЗОКИРОВА,**  
**Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси матбуот хизмати раҳбари**

● Истиқлол берган имкон

# АФСОНаВИЙ АФШОНА

## МУСТАҚИЛЛИК ТУФАЙЛИ ЧИРОЙ ОЧДИ



Бир неча асрлик тарихга эга қадимий Афсона қишлоғи ўз бағрида қанчадан-қанча аллома-ю улуг зотларни воёга етказган муқаддас даргоҳ саналади. Бу ерда тиббимнинг султони Ибн Сино таваллуд тоғани бизга алоҳида фахр-ифтихор бағишлайди. Дунёда Авинченна номи билан машҳур бўлган ватандошимизнинг тиббиди ривожига кўшган улкан ҳиссасини бугун ҳамма тан олади. Бунга яқинда нишонланган Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллик тўйи яна бир мисол. Бугун юксак эҳтиром кўрсатилаётган ул зотнинг киндик қони тўкилган юрт — Афсонада қандай ўзгаришлар, янгиликлар бор? Бу кўпликни қизқитириши табиий, албатта.

— Сирасини айтадиган бўлсак, — дейди Пешку тумани ҳокими Камол Нуров, — улуг бобокалонимиз руҳи поллари олдидан мудом ўзимизни қарздор ҳис этардик. Вилотимиздаги Бахоуддин Накшбанд, Абдуҳолик Гўждувоний, Мир Кулол, Чорбақр зиёратгоҳларининг янгидан чирой очганини кўриб, улуг бобомиз таваллуд тоған қишлоқни ҳам обод этсак, уни зиёратгоҳга айлантириб, ҳайкал қўйсак нур улстига аяло нур бўларди, деб орзу қилардик.

Тўғри, бундан чорак аср муқаддам улуг бобокалонимиз таваллудининг 1000 йиллиги муносабати билан Афсонада муайян ишлар бажарилган. Хорижлик меҳмонларга қўз-қўз қилинадиган ўн-ўн бешта турар-жой, чойхона-ю дўкон қурилиб, паствакина бинада Ибн Сино музейи ташкил қилинган. Буларнинг барчасида эски тузумнинг нафаси сезилиб турарди. Юбилей ўтгач, ҳамма

ишлар чала қолди. Хуллас, улуг табибга бағишланган зиёратгоҳ барпо этиш орузси орузлигича қолаверди.

— Ободлик аввало, кўнглидан бешланади, деган эди Президентимиз Бухорога ташрифларининг бирда, — дейди музей директори, ХДП фаоли Мансур Нуруллаев. — Ҳар қандай хайрли ишга кўнглидан киришилсагина мурод ҳосил бўлади. Бундан салкам бир йил олдин Афсона яна бунёдкорлик шавақидан руҳ олди, улуг фарзандига қўйилажак хайкалдан бағри осмон бўлди. Қисқа ойлари ичида Афсона таниб бўлмақ қиёфа касб этди.

Ҳақиқатан ҳам аллома туғилган қишлоқда янги мажмуа юзага келди. Беш гектарлик майдонни эгаллаган худуддан янги тиббиди коллежи, ахборот ресурслари мақоми, 60 ўқувчи мўлжалланган кутубхона, интернет клуб, 320 ўринли муҳташам мажлислар зали, талабалар ётоқхонаси, Ибн Сино музейи, буюк ватандошимизнинг Эроннинг Хамадон шаҳридаги қабридан олиб келинган ҳоки қўйилган даҳма-зиёратгоҳ ўрин олди. Биноларнинг мейвормойи ечими ҳамма-ни ўзига мафтун этади. Коллежнинг ҳашаматли биноси олдида эса буюк бобокалонимизнинг ҳайкали қад ростлаб турилди.

Айни чоғда мазкур тиббиди коллежида 400 дан зиёд талаба ҳаширилик, даволаш иши, лаборатория ходими му-тахассисликлари бўйича сабоқ олишмоқда. Улар коллежда касб эгаллаш борабариди ё ердаги музейдан Шарқ табобати сирлари, Ибн Сино битган ноёб асарлардан бохабар бўлмақдалар.

— Мана шу кунларни орзиқиб кутгандик, — дейди афсоналик қурувчи Ҳам-

дам Абдуллаев. — Истиқлол туфаيلي қишлоғимиз чирой очди. Шўқри, Юртбошимиз айтган кўнгли ободлигига, юрт ободлигига эришдик.

Ҳа, бугун биргина Афсона эмас, балки туманинг ҳар бир гўшаси обод бўлмоқда. Янги мактаб, спорт мажмуалари, раво йўллари кўриб, дилнинг қуваёйди. Замонавий лоийҳада қурилган қишлоқ ҳўжалиги, санонат, тиббиди коллежлари, Алёр қишлоғидаги ҳашаматли спорт мажмуи, туман марказидаги бадий гимнастика зали ҳаммаша болалар билан гавжум. Қишлоқ врачлик пунктларидаги шароитни айтмай-сизми?

Дароқе, бугун тумандаги қайси билим даргоҳида бўлманг, умумийлик дастур асосида бунёдкорона иш олиб борилаётганига гувоҳ бўласиз. Шу йилнинг ўзида Чибогони қишлоқ фуқаролар йилғинидаги капитал реконструкция қилинган 13-мактаб фикримизнинг далилидир. Мактаб директори, партияди фаоли Исмоил Жумаевнинг таъкидлашича, илгари қишлоқ аҳли бундай шинма билим масканини кўрмаган. 210 нафар ўқувчи мўлжалланган маъмур мактабда ҳеч ким ҳеч нарсаси зорикмайдди. Бундай мактаблар эса кун сайин кўпаймоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугун бу туманда ҳар жабада бир янгилик, ўзгариш. Ислохотлар самараси ўлароқ, уларнинг пахта хирмони юксак, амбориди дони мўл. Эртасидан умиди катта, келажақ истиқбол аниқ. Аждодларга ҳурмат-эҳтироми буюк бўлган халқнинг нони ҳаммаша бутун бўлади.

**Даврон БАҲРОНОВ,**  
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

● ЎзХДП бошланғич ташкилотларида

# ЙЎЛНИНГ ДАВОМИ ҲАМ — ЙЎЛ

## КИТОБ ЙЎЛ ҲўЖАЛИГИ ПУДРАТ-ТАЪМИРЛАШ КОРХОНАСИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

Ҳаётда шундай одамлар борки, улар жамоат ишларидан имкон қадар ўзларини олиб қочишади. Чўчки, бунақа ишларга маош тўланмайди-да, қайтага ташвиш қўяди. Бундай тоифадагиларни ўзганинг дарди сира қизқитирмайди. Ватан, миллат туйғуси уларга бегона бўлади.

Лекин дунёни улар эмас, элим, юртим деб қуйиб-ёнби яшайдиганлар, ўзгаларга ёрдам бериш учун ҳузур-ҳаловатдан воз кечадиган жонқур инсонлар ушлаб туради. Дилбар Эшонқуловани ана шундай хамортларимиздан десак сира муболага бўлмайди. 1983 йили Тошкент политехника институтининг иқтисодий факультетини тамомлаб, тумандаги ип-ийгирув фабрикасида иш бошлади.

У 1996 йилда ХДП сафига кирди. Тўқсон саккизинчи йилда хозирги Китоб йўл ҳўжалиги пудрат-таъмирлаш корхонаси бош иқтисодчи бўлиб ишга ўтди. Ташкилот автомобиль йўлларини барпо этади, жамоада 280 нафарга яқин йўлсоз меҳнат қиладди. Фабрикада ишлаб, анча тажриба ортиртган туфайли янги ишни ҳам эплаб кетди. Унга — корхонанинг бош иқтисодчисига боғлиқ юмушлар ҳаммаша ўз вақтида бажариларди.

2000 йилда корхонада ўтган ҳисобот-сўйлос йилгилишида уни бошланғич партияди ташкилати раиси қилиб сайлашган-да, номзодини рад этолмади. Ишининг қўллигини айтиб (чиндан-да вақти етишмасди), жўмаслиги мумкин эди. Аммо, партиядошлар ишонч билдиришга, ҳеч иложи қолмади. У зиммасига катта масъулият юклаганини тўшунарди. Номига эмас, чинакамга ишлашга ҳаракат қилди. Партияди дастури, мақсад-муддасини йўл қурувчиларга астойдил

тушунтира бошлади. Натияжада ХДП аъзоларининг сони кўпайиб борди. Масалан, олий маълумотли йўл устаси Лазиз Султновнинг ёши ўттиздан ошган, жамоада ҳурмати баланд. У йилгилишда шундай деганди: «Мен ҳар томонлама ўйлаб кўрдим. Халқ демократик партиядининг Дастури қалбимга яқин экан. Шу боис, бу партияди киришга қарор қилдим».

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Йўл таъмирловчи Жасур Иноят у 25 ёшда. Қурувчилар ўртасида ўз ўрни бор, кўйди-пиши йилги. Яқинда ўзи Дилбар Эшонқулова хонасига кириб келди.

— Опа, ушлаб-ўйлаб олдингизга маслаҳатга келдим, — деди у. — ХДПга аъзо бўлмоқчи эдим. Шунга йўл-йўриқ сўрай деб келдим...

— Маслаҳатга келиб яхши қилибсиз, — хурсанд бўлди БПТ раиси. — Аммо кўнглингизга олманг, бир саволим бор. Нега айнак бизнинг партияди танлагиниз?

— Халқ демократик партияди ҳақида кўплаб гапирганапти. Ёрдамга муҳтожларни кўплар экан... Қарияларни, ногиронларни суяж экан. Инсонгарчилик томонлари кўп экан...

— Гапирингиз тўғри, — маълумлади партияди етакчиси. — Аммо шовишманг. Мана, сизга партиядининг Низоми ва Дастури, яхшилаб ўқиб чиқинг. Қатъий қарорга келсангиз, албатта, қабул қиламиз...

...Булар Китоб йўл ҳўжалиги пудрат-таъмирлаш корхонаси бош иқтисодчиси, бошланғич партияди ташкилати раиси Дилбар Эшонқулованинг ҳаётдан бир лавҳа, ҳолос. Агар ташкилот ҳисобида ҳозир 36 аъзо бўлса, шундан 6 нафари шу йил ичида партияди сафига қабул қилинди.

— Ўша сўхбатдан кейин, — дейди БПТ раиси, — йўл таъ-

мирловчимиз Жасур Иноят бунча бор ҳузуримга келди. У билан бирга экскаваторчимиз Маҳмуд Сафаровни ҳам партияди қабул қилдик.

— Очиғи, фақат партияди оид ишлар ҳақида сўхбатлашганапти. Сиз бош иқтисодчисиз. Қолаверса, партиядининг ўз қараш ва интилишлари бор. Масалан, ҳар бир ташкилот, қорхона иқтисодчининг мустаҳкамлиниши мамлакат тараққийоти, халқ фаровонлиги учун зиммат қиладди. Бу ўз навбатида иш жойларининг барқарорлиги, кўчли ижтимоий муҳофаза тамойилларига келиб тақаллади...

— Яхши ишласак, яхши яшаймишда, — қулади Дилбархон, — Мана, айрим рақамларни айта қолай. Ташкилотимиз йўл қураётган жойлар кўп. Биргина «Гузор — Бойсун — Қумқўрган» темир йўли билан боғлиқ 87 миллион 507 миң сўмлик иш бажарилиди. Хозир янги иш — «М-39» магистрал йўлининг 1250-2279 километрларида таъмирлаш, янги йўл қуриш ишлари олиб борилмоқда. Бажарилган ишлар ҳам тўрт-беш миллиард сўмдан кам эмас. Буларни ташкилотимизнинг имкониятларини кўрсатиш учун келтирдим. Анчагина ибратли ишларимиз бор. Ишчиларимизни фойда ҳисобидан бепул овқатлантириш йўлга қўйилган.

— Ҳозир ҳамма сиёсий партияди ҳам аҳоли ўртасида ўз оро-этиборини оширишга ҳаракат қиляпти. Жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари, кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Сиз нима деб ўйлайсиз, партияди оро-этиборини оширишда бошланғич ташкилотнинг ўрни қандай бўлиши керак?

— Мен Президентимизнинг Конституциянинг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини диққат билан ўқиб қидим. Сиёсий партиядининг фаолиятини янада фозлаштириш, мамлакат

бошқарувини демократлаштиришга йўналтирилган янги Конституциявий қонуннинг ижодкори сифатида муҳим гоғларни ўртага ташладилар. Демак, сиёсий, ҳўқуқий майдонда партияди янада кенг имкониятларга эга бўлишади. Бажа-риладиган ишлар, ваколатлар доираси кенгайди. Аммо, бунга биз таяйилми? Бу саволини ўзимга бир неча бор бериб кўрдим, партияди аъзоларимиз билан сўхбатлашдим... «Ҳали кўп ишларимиз, бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтиришимиз, сиёсий кураш усулларини тақомиллаштириш керак. Қароғда бошланғич ташкилот яхши ишласа, ўша ерда тарғибдорларимиз кўп бўлади» деган хулосага келдик.

— Мана, қураётган йўллар ҳақида гапирдингиз, — яна мулоҳазамни давом эттирдим. — Ҳаёт ҳам, сиёсий кураш ҳам шундай. Йўлнинг охири ҳам йўл. Янги-янги манзилларга эл-таверадиди...

Партиядининг олдида ҳам янги йўллар очилайти. Биз ўз йўлимизни, иш услубимизни қатъий белгилаб олишимиз ки-фоя эмас. Халқ ўртасида чинакам оро-этиборини ошириш учун амалий ишларни кўпайтиришимиз зарур.

Бунинг учун партияди сафини фозл, этиқодли аъзолар билан мустаҳкамлаш керак. Бошланғич ташкилотлар қанча кўчли бўлса, партияди нуфузи шунча ошади. Булажақ сайловларда ўз номзодларимизни ўтказиш — тарғибдорларимиз қанча бўлишга боғлиқ. Мен ишимиз кўпчиликка манзур бўлишига ишончман...

Бошланғич партияди ташкилати раиси, малакали иқтисодчи Дилбар Эшонқулованинг фикрларига тўла қўшилдим.

**Юнус УЗОҚОВ,**  
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

• Таълим ва тараққиёт

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ҲИЖМАТИ КЎП

Мустақил Ўзбекистонимиз жаҳонга юз тутаётган, дунё унван олаётган ҳозирги кунда халқаро интеграция ва илмий-техникавий ҳамкорлик жуда катта аҳамиятга эгаллигини бугун Тошкент тўқимачилик ва энгил санаят институти олимлари тўплаётган ибратли тажрибалар мисолида ҳам кўрсата бўлади

Институт илмий жамоатчилиги ҳукуматимиз томонидан қўйилаётган долзарб вазифаларни муваффақиятли баъжаришда нафақат хорижий тажрибаларни ўрганиш, балки уларни амалиётга татбиқ этишни ҳам халқаро майдонларда исбот этишмоқда. Масалан, институт профессор-ўқитувчиларининг ном қозongan хорижий илмий марказларга малака оширишга юборилиши, чет эл грантларининг қўлга киритилиши, жаҳонга машҳур фирма ва компаниялар дастгоҳларининг ўқув лабораторияларига келтирилиши, институтда халқаро сифат сертификатли марказининг самарали фаолият қўриб бериши фикри мисобидир.

Шу ўринда Германиянинг DAAD халқаро ташкилоти билан ҳамкорлик аниқсиз, ижобий самаралар бераётганлигини айтиб ўтиш жоиз. Жаҳонга машҳур Гамбург, Берен университетларининг олимлари институтимиз фахрий профессори унвонларига сазовор бўлиб, талабаларимиз қатори ўқитувчиларимизга ҳам дарс беришмоқдалар. Шунингдек, улар малака ошириш, талабалар алмашинуви, ахборот-кутубхона марказини китоблар билан тўлдирши ва аудиторияларни электрон вариантлар билан жиҳозлаш ишларида яқиндан ёрдам кўрсатамоқдалар.

Ишлар чиқарилган «PREMIER» русумли замонавий жиҳозлар олиб келиб ўрнатилди. Кўплаб хорижий мутахассислар иштирокида уларни ишлаш бўйича семинарлар ўтказилди. Меҳмонлар Ҳиндистоннинг машҳур Агра шаҳрига тақлиф этилиб, бобокалонимиз Мирзо Бобир ҳазратлари ва у кишининг авлодлари яратган обидлар, китоблар билан таништирилди. Айниқса, машҳур Тожмаҳал ва Давлатободга қилинган зиёратлар талабалар, ўқитувчилар ҳамда ёш олимларда чуқур таассурот уйғотди.

Хитойда анъанавий тарзда ҳар йили ўтказиладиган «Буюк Ипак йўли» модалар фестивалида институт талабалари ўз дизайнлари ва лойиҳалари билан фаол қатнашмоқдалар. Яқинда Тошкентда ўтказилган «Stile.UZ» халқаро модалар ҳафталигида профессор Х.Комилова раҳбарлигидаги жамоамиз вакиллари муносиб қатнашдилар. Уларнинг республикамизда бўлиб ўтказилган «Ипак технологияси» кафедраси аъзолари Япониянинг «JICA» халқаро ташкилоти гранти совриндори бўлганликлари ва бу маблағ ҳисобига замонавий жиҳозлар келтирилганлиги ҳам қувончли ҳол. Уларни ўрнатилиш, ишлаши ва техник ёрдам учун бу ерга ташириб буюрган икки нафар япон олим — мутахассисларининг институтимизда иш олиб боришлари амалий алоқаларимиз мустаҳкамлашга хизमत қилмоқда.

Шу йил сентябрь-ноябрь ойларида «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси ўқитувчиси А.Олимов Португалия давлатининг Текминхо университетиде таълимнинг ҳозирги илгор турларидан бири — масофадан туриб таълим олиш дастури бўйича «ТЕМПУС» дастури лойиҳаси гранти қолиби деб топилди. У икки ойлик малака ошириш курсларида тахсил олиб, халқаро сертификат соҳиби ҳам бўлди.

Шу йилнинг октябрь ойида Жаңубий Кореянинг тармоқ илмий текшириш институти олимлари билан талабалар алмашиш бўйича имзоланган шартномага кўра, мазкур давлатнинг Сан Мун университетиде институтимизнинг Механика ва муҳандислик факультети профессори А.Пуюн бошличилигида 2003 йилдан бундан тахсил олиб, ҳозир ерда ўз илмий ишларини давом эттиришга «Механизмлар ва машиналар назарияси» кафедрасининг икки нафар аспиранти ишларини ҳам хамкорлигимизнинг узвий давоми дейиш мумкин.

— Вилоятда жами 3436 та спорт иншооти бўлиб, ташкил этилган 6396 та секцияда 143801 нафар ёш шўғуланмоқда. Жумладан, 35 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 28758 нафар, 9 та спорт мактаб-интернатида 1809 нафар ва Бухоро шаҳридаги 9 та спорт мактабида 3683 нафар, ўсмир ва ёшлар ўзлари севган спорт турлари билан машғул.

Аммо, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида ижобий натижалар билан бирга, бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги ҳам текширилганда маълум бўлди. Масалан, Бухоро шаҳридаги 25-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳўжалик ишлари бўйича мудираси М. Раёзоқова, 1-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ҳўжалик ишлари мудираси Д. Шукурова ва 2-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳўжалик ишлари мудираси Н.Павловнинг жавобгарлигидаги товармоддий бойликлар камомадига йўл қўйилган.

Устига-устак 25-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактаби биноси ҳозирги кунга келиб таъмирталаб бўлиб қолган. Иккинчи қаватдаги деразалар ойчаси синган ва бўёқлари қўнган. Тиббиёт хонасида ўқувчиларни тиббий қўриқдан ўтказиш учун асбоб-ускуналар умуман

• Болалар спорт

## СОҒЛОМ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан жойларда кўплаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Хўш, Бухоро вилоятида бу борада қандай ижобий ишлар ва муаммолар бор? Бу ҳақда вилоят прокуратурасининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат қилиш бўйича катта ёрдамчиси Муҳиддин ВОҲИДОВ шундай дейди:

«Бокс» ва «Таэквандо» залларида ювенил хоналари йўқ, кийиниш-ечиниш хоналаридаги жиҳозлар эски ва яроқсиз ҳолга келган. Бокс залида ринг мавжуд эмас, тўшалган линолум қопламалари яроқсиз аҳволда. Ўқувчилар учун спорт жиҳозлари етишмапти. «Таэквандо» залларида эса «татами» ўрнига оддий палос тўшалган. «Ешлик» спорт мажмуасидаги аҳволни ҳам кўриб қўюсан. Ювенил хоналарида тозалаш ва дезинфекциялаш талаб даражасида олиб борилмаган. Ҳатто 1-сон спорт мактабида душ мавжуд эмас. Хоналар поллари бўялмаган, ечиниш хоналаридаги ёритиш лампалари яроқсиз ҳолда. 22-сон спорт мактабида эса ювенил хонасининг том қисмидан сув ўтган, жорий таъмир-

лаш ишлари олиб борилмаган. Пешку туманидаги 5-сон ўрта умумтаълим мактабида таълим олаётган ўқувчиларнинг 6 та спорт майдончасига эҳтиёжи бўлса-да, у ерда 3 та спорт майдончаси мавжуд. 16-сон интернат-мактаби ўқувчилари учун ҳам 6 та спорт майдончаси керак. Лекин, у ерда атиги 1 та спорт майдончаси бор. 41-сон мактаб ўқувчилари учун 6 та спорт майдончаси зарур бўлгани ҳолда ҳозирча у ерда 2 та спорт майдончаси болалар хизматиде. Бу ҳол болаларнинг спорт турлари билан етарли равишда шўғулланишига халақит қилиши табиий.

19-сон спорт мактабида фаолият кўрсатиб келаётган 32 нафар мураббийдан атиги 12 нафари олий, 5 нафари эса ўрта-маҳсус, 15 нафари тўлиқсиз ўрта-маҳсус маълумотлиқларидир. Энди айтиш, бу ҳолатда болалар малака билими ола биладиларми? Пешку туманидаги спорт мактаб-интернатининг ҳўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари Мадийр Пулатов жавобгарлигида бўлган спорт анжомлари камомадига йўл қўйган. Туман халқ таълими бўлимининг болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бош мутахассиси (М.Кудратов) томонидан ҳамда вилоят болалар спортини ривожлантириш жамғармасидан берилган 5 та шахмат, 8 та баскетбол тўпи ва 4 та футбол тўпи талон-торож қилинган.

Ромитан туманидаги 43-сонли маҳсус болалар спорт мактабидаги мавжуд спорт

залида дераза ойналари синиқ — яроқсиз. Залда чиқоқлар тўлиқ ўрнатилмаганлиги боис болаларнинг жисмоний машқлар билан шўғулланишлари учун ноқулайлик туғдирмоқда. Волейбол, баскетбол спорт залидаги поллар синиб кетган. Дераза ойналари ўрнатилмаган. Мазкур болалар спорт муассасаси болаларни футбол ва бошқа спорт турига ўргатишга ихтисослаштирилган бўлса-да, футбол майдони машғулот ўтказиш учун яроқсиз. Ўтказилган текширишлар натижасига кўра, шаҳар, туман прокуратуралари томонидан аниқланган қонунбузилишлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имкон яратиб берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 11 та тақдимома киритилди. Ўз навбатида прокурор тақдимномаси ва қарорларига асосан 4 нафар шахс интизомий, 6 нафари маъмурий, 1 нафари эса моддий жавобгарликка тортилди, моддий зарарларни айдор шахслардан ундирилди.

Болалар — келажагимиз. Уларнинг соғлом ва бақувват ўсиб-ўлғайиши барчамизнинг эзгу орзуимиз ҳисобланган. Шунинг учун бунга халақит қилувчи ҳар қандай ҳолатларга қарши курашиш ҳар бир кишининг фуқаролик бурчидир.

**Журналист**  
**Лолаҳон МАНСУРОВА**  
**ёзиб олди.**

### НАФАҚАТ ВИЛОЯТДА, БАЛКИ...



Навоий вилоятида ҳозир ўрта маҳсул касб-ҳунарго оид таълим муассасалари сон кўрайиб 35 тага етиб қолди. Жумладан, Навоий педагогика коллежи (суратда) яқинда мўҳташам бинада иш бошлади. Ёпмок спорт зали, 300 ўринли ошхона, тиббиёт пункти, ахборот ресурслари маркази — ҳаммаси талабалар ихтиёрида.

— Ўқув даргоҳимиз вилоятдаги эма, республикамизда ҳам ўзига хос ўринга эга, — сўхбатга қўшилди коллеж директори, техника фанлари номзоди, доцент Олимжон СУВОНОВ, — Саодат Наимова, Раъно Ҳамидова, Ирода Ҳасанова, Махфуза Йўлдошева, Шерали Бобоназаров, Негмурод Қўчқоров, Рашид Қаҳқоров сингари ўнлаб фидойи ўқувчи ва мураббийларимизнинг иш фаолияти мамлакатимиз миқёсидаги ўқув-педагогик ишлар танловларида алоҳида қайд қилинапти.

Музаффар ШАРОПОВ,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири

### ЎЗБЕКИСТОН КИЕВ КўРГАЗМА-ЯРМАРКАСИДА

Украина Савдо-санаят палатасининг кўргазмалар залида ҳар йили ташкил этиладиган 14-«Рождество бозори» анъанавий халқаро кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда маҳаллий ва бошқа мамлакатларда фаолият кўрсатадиган халқаро компаниялар маҳсулотлари, халқ амалий санъати намуналари, совгабоп буюмлар, миллий таом ҳамда турли хил ичимликлар пештахталардан жой олди.

Тадбирда илк бор иштирок этган Ўзбекистон экспозицияси ўзига хос, миллий услубда безатилди. Унда йилгиланган эътиборига ўзбек халқ амалий санъати маҳсулотлари, шарқона сўзана, ўзбек хонатласи, миллий либослар, ёғоч ҳамда чиннидан ясалган эсдалик буюмлари баробарида мамлакатимизнинг тарихий шахарлари ҳақида ҳикоя қилувчи ранг-баранг ахборот материалари ҳавола этилди.

Кўргазма доирасида замонавий ўзбек рассомларининг асарлари намойиши ҳамда бугунги Ўзбекистон мавзуйига бағишланган фотокургазма ҳам ташкил этилди.

Тадбирлар иштирокчиларда мамлакатимизга нисбатан бўлган қизиқини яна ҳам оширди, десак асло муболага бўлмайдми. Украинадаги «Новый мир», «Крым-турбюро», «Пилгрим» сингари сайёҳлик компаниялари ўзбекистонлик ҳамкорлар билан Буюк Ипак йўли бўйидаги тарихий шахарларимиз бўйлаб саёҳат ташкил этиш юзасидан алоқа ўрнатишга катта қизиқиш билдириди.

«Жаҳон» АА  
Киев



### ДЕЛЕГАЦИЯ НИҲОЯТ ИШ БОШЛАДИ

Бундан 13 ой аввал тўхтаб қолган музокараларнинг иккинчи давраси ниҳоят кеча Хитой пойтахти Пекинда иш бошлади. Шимолӣ Кореянинг ядро дастури юзасидан ўтказиладиган ушбу олти томонлама (унда Хитой, Корея Халқ Демократик Республикаси, Америка Қўшма Штатлари, Россия Федерацияси, Корея Республикаси ва Япония делегацияси қатнашмоқда) музокаралар кўтаринки руҳда бошланди дейиш қийин. Негаки, КХДР делегацияси раҳбари

Ким Ге Гван Пхеньян аэропортида парвоз олдидан ва Пекин аэропортига қўнган, журналистларга интервью бераркан, «АҚШ КХДРга нисбатан сиёсатини ўзгартирмас экан, ушбу музокараларда бир-бир муваффақиятга эришиш қийин» деб айтди. Ҳозирча Америка делегацияси бошлиғи Кристофер Хилл ҳам ўз интервьюсида алоҳида қайд этдики, «КХДР масалани юмшатиш йўлини танилаш лозим. Шунда биз дипломатия йўлидан борамиз. Ақс

ҳолда биз янада қаттиқроқ йўлни танилаш, жиддий санкция чораларини қўллашга мажбур бўламиз. У ҳолда КХДР иқтисодий жиҳдид зарар кўради» деди.

Нима бўлганда ҳам Россия, Хитой, Жаңубий Корея ва Япония делегацияси вазиятни юмшатиш, ўзаро мулоқотга киришиш йўлларини ахтариши табиий. Шунинг учун ҳам бу музокараларга жаҳон жамоатчилиги умид кўзи билан қарамоқда.



томонидан жорий этилган мольвий санкция бекор қилинганча музокара столига қайтмаслигини билдирди.

Жорий йил ёзда эса КХДР ўзининг баллистик ракетасини синовдан ўтказди, октябрда ядро синовлари муваффақиятли ўтганлигини эълон қилди. Шундан сўнг халқаро ҳамжамият расмий Пхеньяннинг бу ҳаракатларини муҳокама этди ва БМТ Хавфсизлик Кенгаши КХДРга нисбатан санкция жорий қилди.

Октябрь ойида Хитой, КХДР ва АҚШнинг делегация бошлиқлари ёпмок эшиқлар ортида учрашган, олти томонлама музокаралар жараёнини яна бошлаш ҳақида гап-сўзлар пайдо бўлганди. Бирок дипломатия вакиллари қанчалик саъй-ҳаракат қилишмасин, музокараларини бошлаш мuddатини белгилаш учун бир ярим ой керак бўлди, дейилди «Новости» ахборотида.

### ТЕКИНГА САМОЛЁТ

Россия президенти Владимир Путин ташаббусига кўра, Қирғизистон президенти Курманбек Бакиев учун техинга «Ту-154» самолёти ажратилди. Бу ҳақда Қирғизистон бош вазири Феликс Булов маълум қилди.

Унинг айтишича, Россия томони ушбу самолётни Қирғизистоннинг вақтинча иш қобилиятини йўқотган ва бугунги кунда таъмирда бўлган «Ту-154» самолёти ўрнига берган.

«Кирғизистон» авиакомпаниясига қарашли «Ту-154» самолётини шу йил 26 сентябрь куни Бишкек — Уш — Москва йўналиши бўйича «Манас» аэропортидан парвозга қўтариладиган пайтда АҚШ харбий ҳаво қучларининг ёниги ташувчи «KC-135» самолёти қаноти билан уриб кетган эди. Натижада «Ту-154» қайтиб аэропортга қўнмишга эришган. Бортида 70 нафар йўловчи бўлган. Ҳайриятки, улардан ҳеч ким жабрланмаган. Бу самолётдан республика президенти Қ.Бакиев ҳам расмий ташир пайтларида фойдаланиб турарди.

Ушбу лайнер Қирғизистоннинг ишга яроқли яккау-ягона «Ту-154» эди. Бу кичик тўқнашув тафсилотлари билан танишган ва суриштирув-текширув ишларини олиб борган давлат комиссиясининг ҳулосасига кўра, АҚШ харбий ҳаво қучларининг Питер Ганси номидаги базаси учувчилари бу тўқнашувга сабабчи бўлган экан.



### ЖУРНАЛИСТЛАР ИШ ТАШЛАШДИ

Италия журналистлари федерацияси радио ва телевидение журналистларининг 48 соатлик иш ташлашини эълон қилди. Журналистлар ноширлар билан меҳнат шартномаси мuddати ҳануз узайтирилмаганлиги учун норозилик билдириб, мазкур акцияни ўтказмоқдалар.

Римда чоп этиладиган «Ла Република» газетаси ходимлари эса шанба, яшанба кунлари газетани чиқарадилар. Улар ҳам тахририятдаги штатларнинг қис-

### ЕТМИШ ЙИЛДА БИРИНЧИ БОР

Австралиянинг кейинги 70 йиллик тарихида илк бор ўта йирик ҳудудларни эгаллаган ёнгин давом этмоқда. Ҳозирга келиб ёнгин майдони Люксембургдан икки баравар катта ҳудудни эгаллаб олди, дея хабарлади Австралия радиоси.

Вазият, айниқса, минтақанин жануби-шарқий штати бўлмиш Викторияда қаттиқ бўлиб турибди. Бу ерда 420 минг гектар майдон қуйиб қул бўлди. 20 та уй ва бир аркак олов домиде қолди. Қўзлаб одамлар ўз уй-жойларини ташлаб хавфсиз манзилларга қўчмоқда. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш департаментининг матбуот котиби Стюарт Орднинг айтишича, ёнгини ўчириш учун 4 мингдан ортиқ киши жалб этилган. Унлаб самолётлар, юзлаб маҳсус техника улар хизматига ажратилди.



«Биз ҳозир Янги Зеландиядан қўмақ олдик. Агар яқин кунларда вазиятни қўлга олиб бўлмаса, энг йирик иттифоқимиз — АҚШ ҳукуматидан ёрдам сўрашга мажбур бўлишимиз» деди Стюарт радио журналистига берган интервьюсида.

# КАРИЯЛАР — ЭЪЗОЗДА

• ЎзХДП: электрот манфаати

бу, аввало юртимиздаги кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилишга йўналтирилган сиёсатнинг самарасидир, — дейди форишлик саксон тўрт ёшли отахон Қудрат бобо Рустамов.



Қудрат бобо билан Жиззах шахрининг баҳово гўшасида жойлашган «Қариялар оромгоҳи»да танишдик.

— Бу ерда дам олаётганимга бир ҳафта бўлди? — деди отахон. — Кампирим билан биргачан. Шарт-шароитдан камчилик йўқ. Биздай кексалар, пенсионер ва ногиронларга кўрсатилаётган бундай ғамхўрликдан миннатдоримиз.

— Нимадан бошлай? — дейди бобонинг сўзларини давом эттирган экан Жиззах шахрининг Навоий маҳалласида истикомат қилувчи етмиш беш ёшли Қумри ая Пулатова? — Иссиқ, озода ётоқхоналарни қаранг... Дардимизга малҳам бўлаётган даволаш муолажаларидан сўзлайми, шифокорларнинг ширин гаплари-ю, ҳаммамизга манзур бўлаётган мазали таомларидан гапирайми? Ҳаммаси учун ҳукуматимизга, Юртбошимизга раҳмат.

— Аслида бу маскан дам олиш уйи сифатида барпо этилган эди, — дейди вилоят ногиронлар жамияти раиси Абдулла Қаршибоев. — Афсуски, бу оромгоҳ анча муддат бўш турди. Сўнг бир муддат лицейга айлантирилди, автобаза ихтиёрига берилди. Бориб-бориб у яна эгасиз қолди. Юртимизда «Қарияларни қадрлаш йили» деб

эълон қилинган 2002 йилда эса бу йил «Қариялар оромгоҳи»га айлантиришга киришилди. Ва у тўла таъмирдан чиқарилиб, 2003 йилнинг март ойида вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси тасарруфига ўтказилди. Шундан бугунга оромгоҳда асосан ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар дам олиб, ўзларининг саломатлигини мустаҳкамлайдилар.

Бугун эллик ўринли «Қариялар оромгоҳи»да уч нафар олий маълумотли, ўн икки нафар ўрта махсус маълумотли шифокор, жами эллик нафар хизматчи ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори дастуриламал вази фасини ўтамоқда, десак хато қилмаган бўламиз.

— «Қариси бор уйнинг париси бор», деб бекорга айтишмаган, — дейди оромгоҳ бош шифокори Фарҳод Мелиев. — Оилаларимизда, хонадонларимизда қариялар-

нинг, кекса отахон ва онахонларнинг бўлиши бахтимиз. Уларнинг бой ҳаётий тажрибаларидан фойдалансак, панд-насихатларига қўлоқ тутсак, йўл-йўриқларига амал қилсак, биласизми, турмушимиз файзли, ҳаётимиз мазмунли бўлади. Шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, биз ўз навбатида қарияларимизни қадрлашимиз, уларнинг ҳурматини жойига қўйишимиз зарур, деб ўйлайман. Оромгоҳимиз ҳам аслида ана шу мақсадни кўзлаб ташкил қилинган ва жамоамиз билан биргачан кечган бахони барчангиз кўрдигиниз. Очиги, араблар билан ўйнаш анча оғир кеча-

ди. Улар билан ўтган учрашуларда ҳақамларнинг қилиқларини изохлаб бера олмаيمان. Бундан ташқари, чорак финал учрашуви вақтини ташкилотчилар биздан сўрамай-нетмай ўзгартиришди. Эмишки, мусобақаларга қизиқишни орттириш мақсадида Ўзбекистон — Ироқ учрашувининг вақти Қатар — Таиланд ўйини билан алмаштирилди. Аламли томони, улар бизнинг эътирозларимизни, фикрларимизни мулоқотда ишонадиган бўлди. Биласизми, футболчиларимизнинг кейинги ўйинларида муваффақият қозонишига қўпчилик ишонган эди. Бирок, бош ҳақам ҳамда ироқликларнинг

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: оромгоҳнинг бир гуруҳ дам олувчилари врач Мукаррам Орзуқуллова билан. Шавкат АКРАМОВ олган сурат

## НЕМИС КИНОСИ ҲАФТАЛИГИ

Пойтахтимиздаги Киночилар уйида «Гёте институти Ташкент» кўмагида ташкил этилган немис фильмлари ҳафталиги бўлиб ўтди. Сўнгги йилларда яратилган, турли жанрда мансуб бўлган олтинта фильм Германия кинематографияси ривож ва мамлакат ҳаёти билан ўзбек томоша-

бинларини таништирди. — Кенг қўламадаги немис киноси илк бор киномухлисларга тақдим этилди, — дейди Гёте институти Ташкент директори Кристиана Гюнтер хоним. — Агар лойиҳамиз ўзбек томошабинларига маъқул келган бўлса, уни аънамага айлантироқчимиз.

Шуни айтиш керакки, немис киноси ҳафталигида ФРНинг таниқли ҳамда ёш кинорежиссёрларининг фильмлари намойиш этилиб, улар мамлакатнинг ўзида ва хорижда қатор мукофотларга сазовор бўлган. Алишер РЎЗИЕВ

# ДОРИВОР НЕЪМАТЛАР

Қиш-қировли кунларда инсон танасининг турли касалликларга чалинишига қарши курашувчи қувват — иммунитетни тиклаш учун кўпроқ нималарга эътибор қилиш керак? Америка геронтолог тиббиёт академияси аъзоси Мида Клэцкая бу ҳақда ўзига хос фикрга эга.

— Одамлар юқумли ё юқумсиз дардларга чалинишганда турли доридармонлардан фойдаланишга ўрганиб қолишган. Айниқса, антибиотик дориларни истеъмол қилиш танамизнинг бирон жойига фойда берса, бошқа ерига зарар қилиши табиий. Шунинг учун биз овқатланиш тартиби ва турли нозу неъматлардан билиб ва оқилона фойдаланишга одатлансак, кони фойда бўлар эди, — дейди оlima. — Босиси, табиат инъомлари — турли сабавотлар мевалардан тановул этиш нафақат дарднинг олдини олиш, ҳатто уни даволаш ҳам мумкин. Айтайлик, саримсоқ пиезни олайлик. Ахир бу неъмат табиий антибиотик саналади-ку. Англия олимларининг тадқиқотларига қараганда, саримсоқ пиез грипп, шамоллаш, қон томирларидagi қуюқлашми каби касалликларни бартараф этиши мумкин экан. Бу неъмат Америка олимларининг фик-

рига қараганда, кенг тасирли антибиотиклардан саналади. Турли микроблар, захарли моддаларга қарши курашади. Ҳатто, олимлар эътироф этган пенициллин, ампициллин, доксициклин, стрептомицин ва цефалексин каби антибиотиклардан ҳам тасирлироқ экани аниқланган. Қунига саримсоқ пиезнинг икки-уч дона «тиши»дан тановул этиб юриш, танамизни касалликка қарши курашиш қувватини ошириб, турли бактерияларга қарши келтирар экан. Албатта, жигари, буйраги хаста кишилар бундай неъматдан эҳтиёткорлик билан фойдаланишларига тўғри келади. Яхшиси, саримсоқ пиезни нон бўлагига ишқалаб ейиш ёки тайёр овқат сузилишидан беш дақиқа аввал майдаланган ҳолда солиб, кейин тановул этиш фойдали кечади. Шунингдек, оддий ёки қора турп ҳам ана шундай хосиятларга эга экан-

лиги аниқланган. Турп турли витаминларга бой ва микробларга қарши курашиш хосиятига ҳам эгадир. Агар турп асал ё шакарга аралаштириб тановул этилса, нафас йўллари ва йўталга наф бериши маълум. Бундай ўзига хос малҳамни икки усулда тайёрлаш мумкин. Биринчиси, турпни арчиб, ўртасини ўйиб, ҳосил бўлган чуқурчага шакар ёки асал тўлдиринг. Икки соатлардан кейин чой қосиғида ичса бўладиган неъмат юзага келади. Яна бир усули эса, турпни майдалаб тўғраб идишга солиб, асал ёки шакар аралаштириб қўйилса, анчагина шарбат беради. Бу шарбатдан чой қосиғида ичиб турилса нафас йўллари юмшади. Шунингдек, турп уруғини майдалаб, озгина сувга аралаштириб, турли яраларга суртш ҳам фойдали кечади. Лекин ошқозон-ичак йўлларида касали бор кишилар турпдан билиб фойдаланишларига тўғри келади. Яхшиси, бундай кишилар бу неъматни овқатларга солиб истеъмол қилганлари маъқул. Нок нафақат ширин мева, балки турли дардларга даво экани ҳақида қўпчилик билмас экан. Бундай неъмат таркибида фолиевой кислота — В<sub>9</sub> витамини қўллаб топилсади. — В<sub>9</sub> ви-

# ДОҲАДАГИ «САРГУЗАШТЛАР»

ЁХУД ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИНИНГ XV ОСИЁ ЎЙИНИДАГИ МАҒЛУБИЯТИ ХУСУСИДА

• Спорт

Доҳада бўлиб ўтган XV Осий ўйинлари футбол баҳсларида мезбонлар — Қатар терма жамоаси олтин медалга сазовор бўлди. Қатарликлар финалда Ироқ футболчиларини (1:0) мағлубиятга учратди. Мамлакатимиз ишқибозлари эса гуруҳда барча учрашуларни муваффақиятли якунлаган ҳамюртларимизнинг финал йўлланмасини қўлга киритишидан умидвор эдилар. Аммо футболчиларимиз чорак финалда қўлланмадан Ироқ терма жамоасига (1:2) ютқазиб, мусобақани бартараф тарқ эттишди. XV Осий ўйинлари якунланганига қарамай, мухлислар терма жамоамизнинг ушбу мағлубиятини ҳақиқат ҳазм қила олишмапти. Ҳақиқатан ҳам мусобақани кўтаринки руҳда бошлаган футболчиларимиз «плей-офф» баҳсида нега мағлубиятга учради? Терма жамоамизнинг совриндорлар қаторидан жой олишига нима тўсқинлик қилди? Шу каби саволларга жавоб топшиш мақсадида терма жамоа бош менежери Алишер Никимбоев, бош мураббий Рауф Ишлеев ҳамда жамоа сардори Сервер Жепаровларнинг фикрлари билан қизиқдик.

— Мусобақа ташкилотчилари кўнгиллари туссаган ишларни қилишди, — дейди терма жамоа бош менежери Алишер Никимбоев. — Биз Қатар терма жамоаси билан чорак финалда дуч келмадик. Аслида гуруҳ учрашувлари якунига қўра, Ўзбекистон — Қатар терма жамоалари ўзаро учрашуши керак эди. Бирок, мезбонлар футболчиларимиз билан ўйнашдан чўчиди ва ўзига рақиб танлади. Натижада ҳамюртларимиз ироқликларга қарши ўйнашга мажбур бўлди. Улар билан кечган бахони барчангиз кўрдигиниз. Очиги, араблар билан ўйнаш анча оғир кеча-

ди. Улар билан ўтган учрашуларда ҳақамларнинг қилиқларини изохлаб бера олмаيمان. Бундан ташқари, чорак финал учрашуви вақтини ташкилотчилар биздан сўрамай-нетмай ўзгартиришди. Эмишки, мусобақаларга қизиқишни орттириш мақсадида Ўзбекистон — Ироқ учрашувининг вақти Қатар — Таиланд ўйини билан алмаштирилди. Аламли томони, улар бизнинг эътирозларимизни, фикрларимизни мулоқотда ишонадиган бўлди. Биласизми, футболчиларимизнинг кейинги ўйинларида муваффақият қозонишига қўпчилик ишонган эди. Бирок, бош ҳақам ҳамда ироқликларнинг


«актёрлик» маҳоратлари умидимизни пучга чиқарди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон терма жамоасининг Осий ўйинларидаги хатти-ҳаракатлари ишқибоз ва журналистларда катта таассурот уйғотди. Қўпчилик янги жамоа шаклланиб, у кучга тўлиб бораётганини, фақатгина айрим жузвий хатолар бартараф этилса, бу жамоа билан узоққа бориш мумкинлиги ҳақида гапирар бўлган эди. — Биз олдимизга қўйилган вазифа — финалга чиқиш учун бор имкониятларимизни ишга солидик, — дейди бош мураббий Рауф Ишлеев. — Албатта, биз қийин гуруҳда қолиб

кетдик. Шу боис, барча учрашуларда ғалаба қозониш, ўзимизга кейинги босқич олдидан рақиб танлаш ҳақида ўйлашга имконият ҳам, вақт ҳам, шароит ҳам йўқ эди. Тарқибда ҳам катта ўзгаришларни амалга оширмаганимизнинг асосий сабабларидан бири ҳам шу. Аммо, тактикани вақти-вақти билан ўзгартиришга мажбур бўлдик. Матбуотда бизнинг бир тактикада ўйнаганимиз ҳақида ёзилибди. Мен бу фикрларга қўшила олмаيمان. Биз, масалан Ироққа қарши баҳсда тактикани 3 марта ўзгартирдик. Учрашувда кўргангиздек, рақибларимиз қўп ҳолларда қўл билан ўйнашди, асабларини жийоқлай олмай қўп вазиятларда футболчиларимизга қарши ўйин қоидаларини бузишди. Устунликка эга бўлишимизга қарамай, биз яқунда жабрдандик.

Гарчи, ушбу мусобақада совриндорлар қаторига қира олмаган бўлсак-да, ранжишга ҳақимиз йўқ. Энг муҳими, биз киска фурсатда 23 ёшгача бўлган футболчилардан ғалаба чанқок жамоани шакллантиришнинг удадасидан чиқдик. Уйлайманки, Осий ўйинларида иштирок этган йигитларимизнинг ақсарияти эртанги футболимизнинг ёрқин қолдузлари бўлиб етишадилар.

— Менимча, биз Осий ўйинларида ёмон иштирок этмадик, — дейди жамоа сардори Сервер Жепаров. — Йигитларда ғалабага иштиёқ кучли эди. Агар чорак финалда малайзиялик ҳақам ўйин натижасига жиддий таъсир ўтказмаганда, терма жамоамиз финалга чиқарди. Турмуш, мағлубиятда ўзимизнинг ҳам маълум даражада айбимиз бор. Ироқ билан кечган учрашувда йигитларимизнинг толиқиб қолганлиги ҳам сезилди. Албатта, бундан тушқунликка тушиш, фожиа яшаш керак эмас. Олдинда ҳали бундан-да нуфузли мусобақалар кўтиб турибди. Доҳа «саргузаштлари» эса келгусида футболчи мутахассислар учун фақат сабоқ бўлади, деб ўйлайман.

Эркин ХОЛБОБО эзиб олди.



## ФИФА ТАҚИҚНИ МАН ЭТДИ

Халқаро футбол федерациялари ассоциацияси Эрон терма жамоасига қўйилган тақиқчи бекор этгани маълум қилди. Бундан буён Эрон футболчилари яна ФИФА раҳнамолигидаги ўйинларда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлидилар. «Биз Эрон футбол федерацияси билан ўзаро келишимдик, — дейди ФИФА Президенти Йозеф Блаттер. — Энди Эрон терма жамоасининг Осий кубоғи учун ўтказиладиган қўра ташлаш маросимига иштирок этишига ҳаққи борлигини эълон қиламиз».



Эслатамиз, шу йилнинг ноябрь ойида ФИФАнинг фавқулодда йиғилишида «Футбол ишларига давлат аралашуви» муносабати билан Эрон терма жамоасининг халқаро мусобақаларда иштирок этиши тақиқланган.

## Интер-спорт

### БЛОХИН — ЭНГ ЯХШИ МУРАББИЙ

«Матч» ва «ТОП-Футбол» журналлари сўровларига мувофиқ, Олег Блохин Украинада йилнинг энг яхши мураббийи номига сазовор бўлди. Унинг раҳбарлигида Украина миллий жамоаси тарихда биринчи марта жаҳон чемпионати финал учрашувларида иштирок этиб, жамоани чорак финалгача олиб чиқишга муваффақ бўлди. Сўровларга мувофиқ, иккинчи ўрин «Арсенал» жамоасининг бош мураббийи Александр Заваровага насиб этди. Учинчи ўрин эса мамлакат ёшлар терма жамоаси мураббийи Алексей Михайличенкога берилди.



Блохин — энг яхши мураббий